

А Ж Р И М

2023 йил январь ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи - шаҳар судининг судьяси Э.Пирматов, судья ёрдамчиси А.Тулановнинг котиблигида, Андижон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси И.Жабборов ва Андижон шаҳри бўйича ИИОФМБ Пробацяя бўлими вакили Ш.Мамасадиқовнинг иштирокида, Андижон шаҳри бўйича ИИОФМБ томонидан М.Валижоновга нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақида билдирилган тақдимномани унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 2021 йил 10 ноябрдаги ҳукмига асосан:

Валижонов Музаффар Бахтияржон ўғли, 1997 йил 23 майда Андижон шаҳрида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, Андижон шаҳри, Найзақайрағочтаги МФЙ, Шодлик кўчаси, 7-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, ЖК 45,57-моддаларига асосан 2 йил муайян ҳуқуқдан, яъни барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига судланган.

Тақдимномада М.Валижонов жазо ўтаб келаётгани, намунали хулқи, зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни тўла бажариб келаётгани, содир этган қилмишидан пушаймонлиги, бошқа маҳкумларга ўрнатилган бўлаётгани, интизомий жазоланмагани, жазони 1/3 қисмидан кўпроғини ўтаб бўлгани кўрсатилиб, уни озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган 1 йил 11 ой 15 кун қисмидан ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми "а" бандига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш сўралган.

Суд тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни муҳокама қилиб, прокурор ва ИИОФМБ Пробацяя бўлими вакилининг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини, М.Валижоновнинг баёнотини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра тақдимномани қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми "а" бандида шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, М.Валижоновга ўрнатилган тартиб-қоидаларини бажариб, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганини, суд томонидан тайинланган



озодликни чеклаш жазосининг учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаб бўлганини назарда тутиб, уни тайинланган озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган қисмини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим топади.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси, ЖПКнинг 536, 541,542-моддаларига асосан

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Андижон шаҳри бўйича ИИОФМБнинг маҳкум Валижонов Музаффар Бахтияржон ўғлига нисбатан киритган тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Валижонов Музаффар Бахтияржон ўғли ўталмай қолган 1 йил 11 ой 15 кун қисмидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, маҳкум эса ажрим нусхасини олган кундан бошлаб йигирма кунлик муддат ичида шу суд орқали Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят ёки протест билдириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи

имзо

Э.Пирматов

Ажрим нусхаси

аслига тўғри_____

